

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 802.0 – 311 : 2

Элмуродова Соҳиба Саидмуродовна

**ИНГЛИЗ ТИЛИДА ДИНИЙ-ИЛОҲИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ
БИЛДИРУВЧИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК
ТАҲЛИЛИ**

5A220102 – Лингвистика (инглиз тили)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

АВТОРЕФЕРАТИ

Илмий раҳбар:
ф.ф.д., проф.
М. И. Расулова

Тошкент – 2012 йил

Кириш

Дин азалдан инсон ва жамият ҳаётининг маънавий асоси, пойдевори бўлиб келган. Дин воситасида инсоннинг биологик табиати, ҳайвонот олами билан умумий жиҳатга эга бўлган физиологик майллари, эҳтиёж ва инстинктлари жиловланди, уларга инсоний қиёфа берилди.

Ҳозирги кунга келиб, дин ижтимоий ҳаётнинг муҳим омилига айланди, у ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини сақлаб қолди. Дунёнинг қатор давлатларида дин ўзининг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилмоқда. Шунга кўра ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатлари тилшунослик соҳасида ҳам бу йўналишга катта эътибор қаратилган.

Мавзунинг долзарблиги. Дин мавзуси нозик масаладир. Инсон дин нималигини чуқур тушуниши учун динга оид сўзлар ҳақида яхши билиши керак. Ўзбек тилшунослигида шу кунга қадар диний сўзлар таҳлилига кенг тўхталинмаган. Ваҳоланки, ҳозирги даврнинг ажралмас бўлаги ҳисобланмиш диний эътиқод ва унинг замон тараққиёти билан олға силжиши диний сўзларнинг ҳаётимиздаги ўрнининг нечоғли муҳимлигини белгилайди. Шунга кўра мазкур «Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликларнинг семантик таҳлили» деб номланган диссертацияда инглиз тили лексик системасида катта ўрин олган диний сўзлар, уларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари ва уларнинг лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ)ларининг тил системасида тутган ўрни ҳамда бу ЛСГ таркибидаги лексемаларнинг ўзаро муносабатини очишга ҳаракат қилдик.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда диний сўзларни ўрганиш XX асрнинг II ярим йиллигидан ривожланиб, “теолингвистика” – мустақил фан соҳасининг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу атаманинг “отаси” ҳисобланмиш Jean-Pierre van Norren бу сўзни 1981 йил ишлатган.

Диний сўзларнинг тилшуносликдаги турли бўлимлардаги тадқиқи А.К.Гадомский, Е.Кухарской-Дрейсс, Н.О.Косицына. Е.Ю.Кислякова, Т.Л.Андреева ва бошқалар номлари билан боғлиқ.

Ўзбек тилида инглизча диний сўзларнинг тадқиқи ҳали кенг ўрганилмаган. Шунинг учун бу лексемаларни ўрганишда баъзи қийинчиликларга дуч келиниши мумкин.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу диссертациянинг асосий мақсади инглиз тилидаги диний-илоҳий сўзларни семантик майдон асосида ўрганиб, уларнинг семантик гуруҳларга таснифланиш мезонларини белгилаш, ўзбек тилига мос келувчи муқобилларини кўрсатишдан иборат.

Тадқиқотда кўзда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш билан эришилади:

- бу соҳада қилинган илмий ишларни кўриб чиқиб, масаланинг ўрганилганлик даражасини ёритиш;
- инглиз тилидаги диний-илоҳий сўзлар ҳосил қиладиган маъно ва майдон кўрсаткичларини белгилаш;
- уларнинг лексик-семантик майдонларини ташкил этувчи гуруҳларини кўрсатиш;
- инглиз тилидаги диний-илоҳий тушунча билдирувчи сўзларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг ўрганиш объекти инглиз тилидаги диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликлар ва уларнинг семантик майдонларидир.

Тадқиқот предмети ўзбек тилида таҳлил қилинаётган инглизча диний-илоҳий сўзларнинг қай даражада ўрганилганлиги, улар ташкил қиладиган майдонлар ва гуруҳларнинг семантик хусусиятлари, уларни ташкил этувчи лексик бирликларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методлари. Мавзуни ёритишда зидлаш (оппозиция), таснифлаш, компонент-таҳлил, қиёсий ва бошқа методлардан унумли фойдаланилди. Жаҳон тилшунослиги, шу билан бирга, ўзбек тилшунослигида сўнгги даврларда қўлга киритилган ютуқлар тадқиқот учун назарий манба сифатида хизмат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- дин тушунчаси, у англатадиган кенг маънолар ва уларнинг катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланди;
- турли динларга оид инглизча диний-илоҳий сўзлар ва тушунчалар, уларни ўзбек тилига ўгиришдаги камчилик ва ютуқлар очиб берилди;
- кўпмаънолилик ҳодисасининг майдонда тутган ўрни кўрсатиб берилди;
- семантик майдонларнинг тил бирликларини тасниф этишдаги роли кўрсатиб берилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот бундан кейинги семасиология йўналишидаги, хусусан, майдон назарияси билан алоқадор ишларга кенг йўл очади, ўзбек тилшунослигида жиддий ўрганишга киришилаётган семантик ёндашув асосидаги тадқиқлар учун маълум даражада асос сифатида хизмат қилади. Диссертациянинг хулосалари ва материаллари ўзбек тили ва инглиз тили диний-илоҳий сўзлар лексикологияси, лексикографияси учун муҳим манба бўла олади.

Тадқиқот юзасидан эълон қилинган ишлар. Диссертациянинг асосий мазмунини акс эттирувчи 2 та мақола тайёрланиб, университет илмий тўпламларида нашрга тавсия этилди: “Инглиз тилида диний ва илоҳий тушунчаларга оид лексемаларнинг этимологиясига кўра таснифланиши” // “Ёш филолог” (ЎзМУ Илмий анжуман материаллари). Т.: 2011., 106-109 б.

“Main problems of studying English religious lexicon” номли иккинчи мақола нашрга тавсия қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва умумий ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, ҳар бир бобга хулоса ва умумий хулоса, summary, фойдаланилган адабиётлар рўйхати (80 та), луғатлар ва қўшимча адабиётлар (18 та) ва илова (11 саҳифа)дан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 89 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, методлари, илмий янгилиги, ишнинг тузилиши ҳақида маълумот берилди.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ҳозирги замон тилшунослигидаги семасиология ва семантик майдон тушунчаси”** деб номланиб, у 4 қисмдан иборат.

1.1. бўлим – “Масаланинг ўрганилганлик даражаси”. Тилшунослар диний доирадаги турли элементларни ўрганиш билан шуғулланишмоқда: семантикани таҳлил қилади (С.В. Булавина, Л.М. Грановская), алоҳида лексемалар ва сўзларнинг бутун лексик-тематик гуруҳларининг амалдаги фаолиятини (Н.О. Косицына, Р.И. Горюшина), диний фразеологияни ўрганади (Т.Ф. Сапронова), диний концептларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлайди (Е.Ю. Кислякова).

Н.О. Косицынанинг фикрига кўра, теоллингвистикадаги тадқиқодларни иккита асосий йўналишга ажратиш мумкин: 1) конститутив (диний тилнинг асосий белгиларини ўрганувчи); 2) функционал (диний тил бирликларидан тилнинг ички доирасидаги керакли мақсадларда фойдаланиш) [Косицына, 2009]. Бизнинг ишимиз функционал йўналишда бўлиб, унда диний сўзлар лексикаси ва семантикаси қисман ёритишга ҳаракат қилинди.

1.2. бўлим – “Сўзларнинг семантик структураси”. Диний сўзлар семантик структурасининг назарий асослари рус ва европа олимлари асарларида ўз аксини топган (Т.Л.Андреева, Е.А.Мишутинская, Е.Ю.Кислякова, Н.Б.Мечковская, E.D.Hirsch, R.Narayan). Уларнинг лингвистик тушунча ва концепт сифатида ишлаб чиққан калит

сўзлари соҳанинг ривожланишида катта хизмат қилди. Бу структурани яратишда Н.Ф.Алефиренко, Н.Н.Болдырев, В.И.Карасик, Е.С.Кубрякова, З.Д.Попова, Ю.С.Степанов, И.А.Стернин, В.Н.Телия ва бошқа машҳур тилшуносларнинг сўзлар семантик структураси ва таракқиёти ҳақида яратган илмий билимлари ва назарий қўлланмаларига таянилган.

А.Ҳожиёвнинг сўз семантик структурасига кирувчи лексик маъно ҳам маълум компонентлардан таркиб топади дейди. Б.Потье ва В.Г.Гаклар ишида эса семантик компонентларни архисема, интеграл сема ва дифференциал семаларга бўлиб кўрсатилган. Илмий ишда бу семалар умумий таърифига ёндашилиб, диний сўзларнинг архисема (*religion, God*), интеграл сема (*Diety, Angel, Satan, Demon* - "*олий мавжудотлиги*", "*кўзга кўринмаслиги, лекин мавжудлиги*", "*жонлилиги*") ва дифференциал сема (*Diety, Angel, Satan, Demon* - "*олий мавжудотлили*"нинг бир-бирига нисбатан даража жиҳатдан фарқланиши)лари кўрсатилди.

1.3. бўлим – “Тилшуносликда маъно масаласи”. Диний сўзлар англатадиган маънолар ҳам улар жамият ёки динда тутган ўрнига қараб белгиланиши бу соҳада қилинган ишларда ҳам келтириб ўтилган. Рус олими Т.С.Давыдованинг номзодлик диссертациясида концепт сифатида *a father confessor, a circuit rider, a man of God* ва шу каби сўзларнинг стилистик ва семантик маънолари таҳлил қилинган, унда сўзларнинг замонавий инглиз тилида янада кўпроқ маънолар англатиши мумкинлиги таъкидланган [Давыдова, 1990]. Диний лексиканинг маъновий асослари Дж.Хиознинг «Words in Time» номли илмий ишида кўриб чиқилган. Автор улар маъноларининг черков ва унга боғлиқ бўлмаган вазиятларда семантика билан муносабатида тутган ўрнини *priest, bishop, clerk* каби сўзлар орқали очиб берган. У диний атамалар маъноларининг кўчишини семантик эволюцияда тенденция сифатида кўрсатиб, уларнинг эътиқодда ифодаладиган бошланғич маъноларини таҳлил қилди [Hughes, 1989].

1.4. бўлим – “Тилшуносликда майдон тушунчаси”. Мазкур ишда “майдон” термини қўлланилар экан, ушбу номланишдан фойдаланилганда моҳияти бўйича бир-бири билан бевосита семантик жиҳатдан боғлиқ бўлган маълум бир тилдаги сўзлар майдони назарда тутилади. Лингвистик майдон назарияси Г.Ипсен, И.Трир, В.Порциг, Г.Щур ва бошқа жаҳон тилшунослари номи билан боғлиқ. Майдонни тилшуносликда умумий семемага эга, бир архисема билан бирлашувчи лексик birlikлар мажмуи сифатида тушуниш XIX асрдан, хусусан М.М.Покровский тадқиқотларидан бошланган. Ўзбек тилшунослигида ҳам лексик ва синтактик birlikлар мажмуасига майдон сифатида қараш мавжуд [Р.Расулов, Ш.Искандарова, Н.Нишонова, С.Муҳамедова]. Инглизча диний сўзларнинг майдон турлари ўзбек тилшунослигида деярли ўрганилмаган. Фақат ўзбек

тилидаги диний-экзотик бирликлар ва бошқа айрим тушунчалар ўз таҳлил доирасига эга [Улуков, 1997]. Шундай экан, инглиз тилидаги диний сўзларни майдон сифатида ўрганиш ўзбек тилидаги тадқиқлар билан таққослаб олиб борилишини тақозо қилади ва улардаги керакли назарияларга асосланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликларнинг этимологияси ва таржимадаги айрим муаммолари”** деб номланади.

2.1. бўлим – “Инглиз тилидаги христиан динига оид лексемаларнинг этимологиясига кўра таснифланиши”. Бу бўлимда христиан динига мансуб сўзлар этимологик жиҳатдан таҳлил қилинди. *God* (Худо) сўзи кўпгина герман тилларига хос сўз бўлиб (қадимги инглиз тилида *god*, қадимги норманларда *godh*, эски герман тилида *got*), христианликдан олдинги мажусий динлар даврида ҳам *the god* ва *the invoked* кўринишида учраган [Partridge 1958]. Шундай қилиб, христианлик дини Европа ва баъзи бошқа ҳудудларда асосий дин сифатида қабул қилиниб, унга оид деярли барча сўзлар ҳар жиҳатдан ўрганилган [John Wesley Hanson, 1982; Richard J. Beyer, 1996; Judith A. 1999].

Таҳлил жараёнида инглиз тилидаги фактик материаллар асосида тўпланган христианлик динига оид лексемалар этимологиясига кўра уч хил турга бўлинди:

- Лотин, грек ва француз сингари бошқа чет тилларидан кириб келган лексемалар: (*Antiphone Benedictus* ва ҳ.к.)
- Халқ орасида эволюцион тарзда тарқалган лексемалар (*Nunc Dimittis*)
- Диншунослик фани мутахассислари томонидан атама сифатида қабул қилинган лексемалар (*Abstinence Days*)

2.2. бўлим – “Инглиз тилидаги ислом маданиятига хос бир неча калит атамалар ва концептларнинг шаклланиш хусусиятлари”. Ушбу қисмда таҳлил учун олинган сўзлар Қуръонда кенг қўлланилган ва исломий дунёқарашда асосий концептуал структурани ясашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Асрлар ўтиши билан Қуръонда бир неча ўзгаришлар содир бўлди ва бу араб атамаларининг ҳам асл маъносидан четга чиқиб, янги маънолар ҳосил қилишига олиб келди. Масалан, Исломдан олдинги даврда *Allah* сўзи арабларда бир неча худолар ичидаги маълум бир тангри сифатида тушунилиб, баъзан осмон ва ернинг яралиши, улардаги мувозанат сақланишининг жавоб берувчиси сифатида англланган. У мажусий араблар сажда қиладиган худолардан бири бўлган. Исломнинг кириб келиши бу тушунчага бутунлай бошқа маъно касб этди. Қуръон *Allah*ни олий (*a'la*) ва ягона (*ahad*), яъни барча сохта (*batil*) “худолар”ни инкор этган ҳолда фақат биргина Худо мавжуд эканлигини тарғиб этди. Энг муҳими шундаки, Пайғамбар Муҳаммаднинг дастлабки ҳадисларидан юзага келган Қуръоннинг *Allah* – билимларнинг бош манбаи ва инсоният

яратувчисидир. *Allah* сўзи *al-* аниқ артикли ва от сўз туркумига оид *ilah* сўзининг бирлашишидан ясалган бўлиб, тангри маъносини англатади. [Mohammad Sadik, 2004; Toshihiko Izutsu, 1987].

2.3. бўлим – “Буддизм дини атамаларининг келиб чиқиш ва ифодаланиш шарҳи”. Буддизм таълимотлари дастлаб бир нечта ҳинд тилларида амалда бўлиб, ёзиб олинган. Булардан иккитаси – пали ва санскрит ҳозирда энг муҳимларидан бири бўлиб қолмоқда. Улар инглиз тили билан бир оилага мансуб. Бундан ташқари кўпгина қариндошлик кўрсаткичларини учратишимиз мумкин – баъзи сўзлар ёки сўз бирикмалари бир-биридан фарқ қилмайдиган этимологияга эга. Масалан, пали тилидаги *vipassana* сўзида *vi-* префикси, *pas* феъли ва *-na* суффикси мавжуд. *Pas* сўзи кўриш ва билиш маъноларини англатувчи феъл бўлса, *-na* суффикси инглиз тилидаги *-ing* герундисида мос келади, *vi-* префикси *dis-* қўшимчаси билан бир хил. *Vipassana Theravada* таълимотида мавжуд 3 хил белгини англатувчи сўздир: азобланиш, ўзгарувчан ва қалбсиз .

Буддизм атамалари этимологияси уларни янада яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Баъзан *san-* сифатида ҳам ишлатилувчи *sam-* префикси пали ва санскрит буддизм атамаларида тез-тез учрайди. Унинг “бирга”, “билан” маъноларини англатувчи латин префикси *com-* / *con-* / *co-*га ўхшаш келиб чиқиш структурасига эга деган тахминлар бор. У испанча *con* ёки *com*, французча *avec* сўзларига ўхшайди. Бу префикс билан ясалувчи *sanskrit*, *samsara*, *sankhara/samskara*, *samkhata/samskrta*, *sambodhi*, *samma/samyak or samyag*, *sanna/samjna* ва *samadhi* сўзлари учрайди [Peter Harvey, 1993].

2.4. бўлим – “Инглизча диний-илоҳий сўзларни таржима қилишдаги айрим муаммолар”. Айни кунга қадар чоп этилган инглиз тилини ўргатувчи қўлланма, луғат каби адабиётлар орасида диншунослик йўналиши учун махсус тузилганлари учрамайди. Бошқа соҳада бир маънони англатган сўз диншунослик терминологиясида умуман бошқа маънони бериши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги «*celestial*» сўзининг умумий мазмуни «самовий», «зангори» маъноларини англатса, диний манбаларда бу сўз «самовий», «илоҳий», «муқаддас» маъноларини беради. Бу каби фарқлар луғат китобларида ҳар доим ҳам кўрсатилавермайди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг семантик таҳлили**” деб номланади.

3.1. бўлим – “Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг лексик майдони”. Диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзлар битта умумий тушунча – дин тушунчаси асосида жамланади.

Диний-илоҳий тушунчаларини билдирувчи сўзларнинг лексик майдони асосан олти гуруҳдан иборат:

1. Олий мавқега эга бўлган мавжудотлар ва жой номлари (Superhuman beings and regions);
2. Диний таълимотлар (Doctrines or religious knowledge);
3. Кўнгилда, қалбада мавжуд бўладиган диний туйғулар (Religious sentiments);
4. Диний ибодатлар, сиғинишлар (Acts of religion);
5. Диний ташкилотлар (Religious institutions);
6. Диний маросимлар (Religious rites).

Бу олти гуруҳ сўзлари орасидаги умумийлик – бу дин тушунчасидир. Агар бу сўзларни семантик таҳлил қиладиган бўлсак, уларда мавжуд бўлган умумийлик ва фарқларни аниқ кўришимиз мумкин. Масалан, биринчи гуруҳ **Superhuman beings and regions** гуруҳидаги *Diety*, *Angel*, *Satan*, *Demon* сўзларини оладиган бўлсак, улардаги умумийлик уларнинг "*олий мавжудотлиги*", "*кўзга кўринмаслиги*, *лекин мавжудлиги*", "*жонлилиги*" дир. Бу уч маъно улардаги интеграл маъно элементларидир. Энди сўзлардаги маъно фарқлилиги (дифференциаллик)га келадиган бўлсак, улардаги мавжуд "*олий мавжудотлилиги*" умумийлиги бир-бирига нисбатан даража жиҳатдан фарқланади.

3.2. бўлим – “Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг лексик майдонини ташкил этувчи гуруҳ”. Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг лексик майдонини ташкил этувчи асосий гуруҳлар қуйидагилар:

I. Superhuman beings and regions (Олий мавжудотлар ва жой номлари):

1. *Diety* (Илоҳ, Худо);
2. *Angel* (Фаришта);
3. *Satan* (Шайтон, Жин);
4. *Jupiter* (Юпитер);
5. *Demon* (Иблис);
6. *Heaven* (Жаннат, Беҳишт);
7. *Hell* (Дўзах, Жаҳаннам).

II. Religious knowledge or doctrines (Диний таълимотлар):

1. *Theology* (Илоҳиёт);
2. *Orthodoxy* (Тўғри йўл, Ҳақ йўл);
3. *Heterodoxy* (Нотўғри йўл, эътиқодсизлик);
4. *Islamic-revelation* (Ислом динидаги ваҳий);
5. *Judeo-Christian revelation* (Яҳудо-Христиан динидаги ваҳий);
6. *Pseudo-revelation* (Ёлгон, сохта ваҳий);

III. Religious sentiments (Қалбадаги диний эътиқод туйғулари):

1. *Piety* (Диндорлик, Тақводорлик);
2. *Impiety* (Диёнатсизлик);
3. *Irreligion* (Даҳрийлик, Худосизлик);

IV. Acts of religion (Диний ибодатлар, Сиғинишлар):

1. *Worship* (Худога ибодат қилиш, сажда қилиш);
2. *Idolatry* (Бутпарастлик);
3. *Sorcery* (Сеҳргарлик);
4. *Spell* (Афсунгарлик, Жодугарлик).

V. Religious institutions (Диний Ташкилотлар):

1. *Mosque* (Масжид);
2. *Churchdom* (Черков);
3. *Temple* (Ибодатхона);
4. *Clergy* (Рухонийлар).

VI. Religious rites (Диний маросимлар):

1. *Rite* (Маросим, Байрам);
2. *Canonicals* (Маросимлар).

3.3. бўлимда – “Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари”. Инглиз тилидаги диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларни ўзбек тилидаги муқобилларини беришда бирмунча қийинчиликларга дуч келиниши табиий ҳолдир, чунки унинг муқобили бир сўз билан ифодаланса тўлақонли маъно чиқмайди. Инглиз тилидаги **Cathedral** сўзи оддий **черков** дегани эмас, балки **бош черков** маъносини билдиради. Инглиз тилида бир сўз билан ифодаланган бу сўз ўзбек тилида икки сўз билан ифодаланаяпти. Агар бу сўзларнинг бири тушириб қолдирилса маъно аниқлиги йўқолади.

Илмий китоблар, луғатлар ва асарлар орқали топилган диний-илоҳий сўзларни таржима қилишда олимларнинг таржима назариясига оид фикрларига асосландик [Велединская, 2010]. Бунда инглизча диний-илоҳий сўзларнинг луғавий таркиби қуйидаги унсурлардан иборат:

1. Таржима қилинмасдан асл ҳолича қўлланган сўзлар ёки қўлланма сўзлар (*Abbot, Dualism, Saturn, Talmud*);
2. Тўлиқ таржима қилинган луғавий бирликлар (*Atonement, Deity, Icon, Sorcery, Unbelief*);
3. Калькаш усулида тилга ўзлаштирилган чет сўзлар ёки ўзлашмалар (*All-provider, Day of judgement, Holy water, Seven sacraments*).

Хулоса

Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларни семантик таҳлил қилиш жараёнида бир мунча қийинчиликларга дуч келинди, чунки одатда тирик жонли мавжудотларни билдирувчи, атовчи сўзларни семантик таҳлил қилганимизда уларни "ёш", "конкретлик", "ўрин-жой", "шахс" ва ҳоказо маъно элементларига ажратамиз. Диний сўзларнинг аксариятини мавҳумий зот, мавжудот, жой номлари ташкил қилади.

Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг ўзбек тилидаги таржималари билан шуғулланганда уларнинг энг тўғри келадиган, қисқа ва лўнда маъносини бера оладиган муқобилларидан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Илмий иш доирасида тахминан 450 та диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларни келтирдик. Илмий иш сўнггидаги луғатда эса бу сўзларни алифбо шаклида беришни ўзимизга лозим деб топдик.

Атоқли луғатчилардан бири "Луғат алифбо тартибидаги бутун дунёдир" деган экан. Бизнинг илмий иш сўнггидаги кичик луғатимиз динга, илоҳиётга даҳлдор тушунчаларни ифодаловчи сўзларни ўз ичига олган, шу маънода биз ҳам уни "Алифбо тартибидаги дин олами" дейишимиз мумкин.